

Биз фил эмасмиз



14:29 / 12.05.2025 2478

Ҳайвонот боғини томоша қилиб юрган меҳмонлардан бири филнинг оёғига боғланган кичкина ипга аҳамият бериб қолди. Шундай катта ҳайвонни кичкина ип тутиб турса-я! Унинг олдинги икки оёқлари бир-бирига оддий ип билан боғлаб қўйилган эди. Ҳеч қандай улкан занжирлар, қафаслар йўқ. Энг қизиғи шундаки, фил ўз оёғига боғланган ипни узиб, истаган пайтида қочиш кетиши мумкин. Лекин негандир у бу ишни қилмайди.

Меҳмон фил ўргатувчини кўриб қолди ва унинг олдига бориб: «Нега бу улкан ҳайвон ўз жойида индамай туради? Нега қочишга ҳаракат қилмайди?» деб сўради.

Шунда ҳайвон ўргатувчи қуйидагича жавоб қилди: «Яхши. Бу ҳайвон янги туғилган пайтида ҳозирги ҳолатидан анча кичик бўлади. Биз ўша пайтда филчани боғлаш учун сиз кўриб турганингиздек мана шундай кичкина ип

ишлатамиз. Аслида ўша пайтда кичкина филга мана шу ип кифоя қилади. Бу ипдан кичик фил қочиб кета олмайди. Мазкур ип унинг оёқларида катта бўлгунича боғлиқ туради. Жонивор катта бўлгач, ўзини ҳалиям ўша ипдан қочиб кета олмайман, ипни барибир узолмайман деб ўйлайди. Шунинг учун қочишни хаёлига ҳам келтирмайди».

Бу жавобни эшитган меҳмон ўзича шундай деди: «Мен даҳшатдаман. Улкан тошларни, оғир юкларни бемалол кўтара оладиган фил шу кичкина ипни ҳам бир ҳаракат билан узиб, ундан қутула олади. Аммо миясига «қутула олмайман, кучим етмайди» деган ақида ўрнашиб қолгани учун ҳеч қаерга қочиб кетмай, жойида туради».

Хулоса

Кўпчилигимиз ҳам ўша филга ўхшаймиз. Ҳаётимизни бир хил тарзда ўтказаверамиз. Турғунликка кўникиб қолганмиз. Илмда, касб-хунарда тараққий этишга, юксалишга, янада гуллаб-яшнашга интильмаймиз. Аниқроғи, «шу ишни эпллмайман, қила олмайман» деган ақида миямизга ёпишиб олган. Ваҳоланки, ўша ишни осонлик билан қила оламиз. «Қила олмайман» деб ўтирмасдан, «Аллоҳ хоҳласа, албатта, қила оламан, бу дунёда имконсиз ишнинг ўзи йўқ, ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор» деб юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги ва ўзимизнинг дунёю охиратимиз обод бўлишига сабаб бўладиган эзгу ишларга уринишимиз керак. Ўзимиздаги ишончсизлик ҳиссини йўқотиб, буюк ишларга уриниб, «Албатта, Аллоҳ таоло унинг натижасини гўзал қилади» деб ишонишимиз лозим.

«Вазиятларни бошқариш санъати» китоби асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 17 мартдаги 03-07/1750-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.